

**Иш бўйича моддий ҳамда процессуал қонун талаблари бузилганлиги апелляция инстанция судининг ажримини бекор қилинишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2008 йил 23 сентябрдаги ҳукмига кўра, Б. Жиноят кодексининг 97- моддаси 2-қисми “в,р” бандлари билан 15 йил 6 ой, Жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида узил-кесил 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми «а» бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 21 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б. 2008 йил 21 май куни соат 04:00 ларда маст ҳолатда, ўзи яшаб келган Жомбой туман “Дехқонобод“ кўрғони Мустақиллик кўчаси, 9-уйда никоҳсиз турмуш ўртоғи С. билан жанжаллашиб, уни мастлиги сабабли ожиз аҳволда бўлганидан фойдаланиб, уйда бўлган ошхона пичоғи билан унинг бурун соҳасига ва кўкрак кафасига бир неча маротаба уриб қасдан ўлдирган.

Олий суд раиси ўринбосари томонидан киритилган протестда Б.га нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, жиноят ишини янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юбориш масаласи қўйилган.

Жиноят кодексининг 50-моддаси 6-қисмида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан

махрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги қарорининг 28-бандида Жиноят кодексининг 50-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариақсидаги жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси максимал муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича жазо тайинланаётган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмаслиги назарда тутилган.

Иш бўйича ушбу қонун талаблари ҳамда Пленум қарорининг тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Суд Б.га жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси максимал муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ, шунингдек жиноятлар мажмуи бўйича ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанция суди биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”**ги қарорининг 18-бандида апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этаётган судланувчига охириги сўз берилмаслиги, жиноят-процесуал қонунининг жиддий бузилиши саналади ва апелляция инстанцияси ажримининг бекор бўлишига сабаб бўлиши назарда тутилган.

Иш бўйича Пленум қарорининг ушбу тушунтиришларига ҳам риоя қилинмаган.

Апелляция инстанцияси суди тарафларнинг музокарасини эшитганидан сўнг суд мажлисида иштирок этган судланувчи Б.га охирги сўз бермасдан жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилишига йўл қўйган.

Бундай ҳолда апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 29 декабрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 21 октябрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилди.

**Назорат иш ЖСХ-301-11**